

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 9-oktabr, chorshanba № 78 (15716)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улғулаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармони мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 15 октябрь сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мувожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 8 октябрь

Tengdoshlarimiz faoliyatidan

Яқинда қорақалпоғистонлик тенгдошларимиз ҳаётида яна бир янгилик рўй берди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши томонидан «Сардор-info» хабарномасининг биринчи сони чоп этилди.

Сардорлар учун янги хабарнома

Хабарномада, асосан, Ҳаракат томонидан амалга оширилган лойиҳа ва тadbирлар, янгиликларни эълон қилиб бориш кўзда тутилган. Бироқ ташаббускор тенгдошларимиз фақат шулар билангина чекланиб қолишмоқчи эмас. Улар, шунингдек, «Тезкор хабарлар», «Биз ҳақимизда», «Билиб қўйган яхши», «Энг, энг...», «Инглиз тилини ўрганамиз», «Тренер маслаҳати», «Бўш ўтирма, бош қотир», «Камолот» — тест» ва бошқа қизиқарли рукнлар остида ўзларининг қизиқарли мақола, лавҳа, фотолавларини бериб боришни ҳам мўлжаллашмоқда.

Хабарнома мунтазам чоп этилиб, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларига тарқатилади.

Клара ХУДОЙБЕРГАНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси

Биз билим ва тарбия бериб вояга етказётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ислом Каримов



Сардор Муллажонов фотоколлажи

Баркамол авлод

Эътиборли бўлиш — бурчимиз

Бугун мамлакатимизда барча миллий қадриятларимиз қатори она тилимиз ривожига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ўзбек тили давлат тили сифатида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланмоқда.

Айни вақтда яратилаётган кенг имкониятларга қарамасдан, айрим ҳолларда сўзни тўғри қўллаш, ўзбек тили қоидаларига амал қилиш борасида ҳали ҳам айрим лоқайдлик ҳолатларининг гувоҳи бўляпмиз. Масалан, ҳозирги вақтда баъзи иншоотларда «Биз очилдик» ёзувига кўзимиз тушади. Бу — русчада «Мы открылись» иборасининг сўзма-сўз таржимасидир. Бундай юзаки сўз ўгириш натижасида эълоннинг маъноси англаб бўлмайдиган даражага етган. Бунинг ўрнига «Биз яна хизматингиздамыз» ёки «Биз яна хизма-

тингизга шаймиз» деган ёзув бўлса, аввало, фикр ҳаммага тушунарли бўлади, қолаверса, тилимизнинг ифода қудрати ва жозибаси ҳам яққолроқ намоён бўларди.

Афсуски, баъзан журналистларимиз ўртасида ҳам она тилимиз имкониятларини кадрламасдан, бошқа тиллардан кирган сўзларга зўр бериш ҳолатлари учрайди. Тилимизда содда ва тушунарли бўлган «чунки» сўзи бўла туриб, бўлар-бўлмасга «инчунун», «зеро» сўзларини ишлатишларини қандай тушуниш мумкин? Балки бадий асарда,

Til — bebaho qadriyat

одамлар форсча, арабча сўз бойликларидан кўпроқ фойдаланган давр воқеалари акс эттирилган матнларда бундай сўзларни қўллаш ўринлидир. Лекин оммавий, ҳамма учун тушунарли бўлган ахборот воситасида бундай «билимдонлик» ўзини оқламаसा керак.

Яна бир фикр. Биз Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби буюк зотларнинг исми шарифларини баъзан А.Ясавий, А.Навоий, М.Улуғбек тарзида ёзамиз. Ҳолбуки, бу зотларнинг номлари тарихда ҳеч қачон қисқартириб ёзилмаган. Кўпни кўрган кексаларимиз бу аждодларимизнинг номларини бугунги кунга қадар асло тоқ холда ишлатишмайди, ёки Алишер Навоий, дейишади ёки Навоий бобомиз, дейишади.

Ҳилола ҚАРШИБОВЕВА, Тошкент ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси

Архив — ахборот манбау

Huquqiy eksperiment

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 20 мартда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойиши асосида Бухоро вилоятида 80 дан зиёд субъектларнинг аксарияти эксперимент шартларига кўра вилоят давлат архиви билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Қонун лойиҳасининг 13-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этишлари белгиланган.

— Мазкур тартибга кўра, вилоят давлат архивига эксперимент субъектларининг

ўзларига тааллуқли давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ижросига доир маълумотлари, раҳбарларнинг чиқишлари, ўтказилган йиғилишлар, субъект фаолиятининг чораклик таҳлилий материаллари, қилинган сўровлар ва мурожаатларнинг кўриб чиқишига оид ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилмоқда, — дейди вилоят архив иши

бошқармаси бошлиғи Асрор Турсунов. — Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан саралаб тақдим қилинган материалларнинг рақамлаштирилган нусхалари жамланган. Уларнинг тезкор қидирувини амалга ошириш учун маълумотлар базаси тизимлаштирилмоқда. Бу эса мазкур юридик ва жисмоний шахсларга эксперимент субъектлари фаолиятига доир ахборотни белгиланган тартиб ва муддатда тақдим этишни осонлаштиради.

Вилоят архивида нафақат эксперимент субъектлари фаолиятига оид маълумотлар юзасидан, балки бошқа масалалар бўйича мурожаат қилувчи фуқароларга ҳам кенг қулайликлар яратилган. Ахбо-

рот залидаги стендларда идоранинг иш ва мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, фуқароларни қабул қилиш кунлари ҳақидаги маълумотлар, пулик ва бепул хизматлар рўйхати, соҳага оид қонун ва қонунности ҳужжатлари жойлаштирилган. Фуқаролар ўзларини қизиқтирган маълумотларнинг электрон шаклидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

— Фуқароларнинг барча ёзма ва оғзаки мурожаатлари, жумладан, веб-сайтлар орқали сўровларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди вилоят давлат архив фонди бошлиғи Саодат Аббосова. — Ҳар бир мурожаат ва унинг натижаси қайд этиб борилади. Фуқаролар ва юридик шахслар сўровига асосан

тегишли ҳужжатлар тақдим қилинмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бераётир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида аниқ, ишончли маълумот олиш фуқароларга амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бунда ахборот манбаи — давлат архиви идораларининг ўрни бекиёс. Бухоро вилоятида қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент жараёнида бу ўзифодасини топмоқда.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири

Qadriyat va yoshlar

Миллий ўйинлар фестивали



САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғида «Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз» шиори остида миллий халқ ўйинлари фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят маданият ва спорт ишлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, «Маҳалла» жамоат фонди ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестиваль ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқ ўйинларининг фарзанд тарбиясида тутган ўрни, ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишидаги бекиёс аҳамиятини алоҳида эътироф этишди. Шунингдек, бундай тадбирлар миллий қадриятларимизни ёшлар ўртасида оммалаштиришда нечоғли муҳим эканлиги таъкидланди.

Истироҳат боғида вилоятдаги ўндан ортиқ спорт федерацияларининг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди. Мураббий ва спорт усталари спортга ошно ёшларга миллий спорт ўйинларимизнинг тарихи ва аҳамияти ҳақида гапириб беришди.

Фестивалда қатнашган мингга яқин ёшлар кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, хўрозлар жанги, оқ теракми, кўк терак, улоқча каби бир-биридан қизиқарли беллашувларда куч синашди.

— Мусобақанинг арқон тортиш ва хўроз жанги ўйинларида қатнашдим, — дейди Самарқанд олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Шукр Жўрақулов. — Ўзим кураш билан шуғулланаман. Ҳар иккала мусобақада ҳам биринчи ўринни эгалладим. Муҳими, мазкур ўйинлар тенгдошларимни бирдамликка, ҳамжихатликка чорлайди, соғлом бўлишларига хизмат қилади.

Халқимизнинг миллий қадриятлари, аъналарини жамлаган ушбу фестиваль минглаб ёшларни бирлаштирди. Шу куни «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрган самарқандликлар бетакрор халқ ўйинларидан баҳраманд бўлишди.

Моҳинур МАҲМУДОВА,
Самарқанд вилояти

БУХОРО

Қадриятларимизнинг ҳаётдаги аҳамияти шу қадар юқорики, улар ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғайишларига хизмат қилади.

Бухоро шаҳридаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган ва «Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз» шиори остида минглаб ёшлар иштирокида муваффақият билан ўтказилган вилоят миллий ўйинлар фестивали ана шу боқий қадриятларни улуғловчи ажойиб тадбир бўлди. Унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан қалби қайноқ, ғайратли ўғил-қизлар иштирок этди.

Боққа йиғилган томошабинлар ёшларнинг миллий кураш, арқон тортиш, хўроз уриштириш, оқ теракми, кўк терак каби ўйинларда намойиш этган маҳоратларига гувоҳ бўлдилар. Шунингдек, волейбол ва баскетбол бўйича мусобақаларни мириқиб

томоша қлдилар.

Барча фестиваль ва мусобақаларда бўлгани каби ушбу фестивалда ҳам ғолиблар аниқланди. Унга кўра, юқори натижани қайд этган Бухоро шаҳри терма жамоаси гран-при соҳиби бўлди. Шунингдек, ушбу жамоа аъзоларига «Тўмарис» номинацияси бўйича ҳам соврин топширилди. «Алпомиш» номинацияси ғолиблиги миллий кураш мусобақаларида ўзини кўрсатган қоракўллик ёшларга насиб этди. Шунингдек, Қоровулбор ёшлари миллий аъна ва қадриятларни ўзида мужассам этган халқ ўйинлари намойишида муносиб ўринга сазовор бўлди. Арқон тортиш мусобақасида эса ромитанлик ўғил-қизларга тенг келадиган топилмади.

— Фестивалда миллий кураш бўйича иштирок этиб, совриндор бўлдим, бундан жуда хурсандман, — дейди Бухоро шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси Ҳикмат Худойбердиев. — Бундай фестиваллар тез-тез ўтказиб турилишини хоҳлардим. Шунда мен каби спортга ҳавасманд ёшларнинг иқтидорини намойиш этиш имкониятига эга бўларди.

Фестивалда вилоят кўғирчоқ театри актёрлари миллий халқ ўйинларига ҳамоҳанг қизиқарли томошаларни намойиш қилди. Фестиваль сўнггида эса ғолиб ва иштирокчилар вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ таълими бошқармаси томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



Navqiron avlod so'zi

Она тупроқ тўтиё бизга

«Табиатга меҳр қўйиш ҳам фазилат. Айниқса, жаннатмонанд юртимиз — Ўзбекистоннинг тупроғи олтинга тенг, табиати — мўъжиза, унда ўсадиган ҳар бир гиёҳ, меванинг ўзи дори» — шу каби маъноларни англа-тувчи ибораларни бобом ўз боғида етиштирган сархил мевалар дастур-хонга тортилаётган маҳалда кўп ишлатарди. Яна, бобом бизни ўзи айтганидай «олтин» тупроқда етилган, ҳосили одамнинг ҳавасини келтирадиган мева-сабзавотларни ўз қўли билан биз, қақажон набираларга узиб беришни, бизнинг эса, «менга бунисини, менга унисини беринг», дея талашишларимиздан завқланарди. Чунки у саҳий эди-да!

Аммо ҳовлида ўстирган ранг-баранг, хушбўй гулларни, ниҳолларни кимдир бекорга юлиб ташлаганини кўрса борми, маҳаллада «саховатпеша деҳқон» деб ном қозонган бобомнинг астойдил жаҳли чиқиб: «Ахир, уларнинг ҳам жони бор, улар ҳам йиғлайди», деб койирди. Бобом шу йўсинда бизга табиатни асраш, севиш сабоғини берар экан.

Мактабдаги табиат, ботаника, зоология, кимё каби фанлар ҳам она табиатга бўлган меҳримни, қизиқишларимни оширди. Ҳозир Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицейнинг табиий фанлар йўналишида таҳсил оляпман. Мен Ўзбекистонни катта бир хазинага ўхшатаман: унда турли-туман бойликлар, айниқса, табиий бойликлар мўл-кўл.

Келажакда доришунос бўлмоқчиман. Табобат илмининг отаси, дунёга машҳур Ибн Сино бобомизнинг тавсиялари асосидаги қўлланмалар ёрдамида халқ табобати-ни замонавий билимлар билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият юритадиган мутахассис бўлмоқчиман. Яқинда бир журналдаги мақолани ўқиб, юртимиз тупроғига меҳрим, табиатига бўлган қизиқишим янада ортди. Мақолада келтирилишича, Ўзбекистон халқ табобати академияси аъзоси Фурқат Мелиқулов Ўзбекистон тупроғида оддий атиргул етиштириб, ундан косметология ва доришуносликда кенг қўлланиладиган атиргул мойини ишлаб чиқариб хорижликлар эътиборини тортди. Хорижликлар ҳамкорлик қилиш истагини билдиришяпти. Бу иш хориж матбуотида ҳам ёритилляпти. Эътиборимни тортган қизиқ маълумот: тўрт тонна атиргул япроғидан атиги бир литр мой олинар экан. Қаранг, биз, қизлар, аёлларнинг севиб ишлатадиган атирлари бизгача етиб келишида кўп гап бор экан.

Она ватанни, она табиатни севиш, унинг бойликларини асраш, ундан оқилона фойдаланиш бизнинг бурчимиз. Унинг бойликларидан ҳар биримиз ўзимизда фахр туйғусини ҳис қиламиз. Аммо устозимиз бизга бир саволни бот-бот беради: «Бундан юз йил кейин ҳам «бизнинг табиатимиз ниҳоятда бой», «тоза ҳаво» деган сўз муомаладан чиқиб кетмаслиги учун нима қилиш керак?»

Бу саволга биз, ёшлар билганимизча жавоб қайтарамиз. Бу саволга сиз, катталар, ўзингизча жавоб топиб кўринг-чи...

Турсуной ХОЖИҚУРБОНОВА,
Тошкент фармацевтика институти
қошидаги академик лицей ўқувчиси



Ёшлар билан гавжум

Сурхондарё вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази биноси тубдан таъмирланиб, жорий ўқув йили бошида фойдаланишга топширилгани вилоят ёшлари учун ажойиб тўхфа бўлди.

Термиз шаҳрида жойлашган мазкур марказда эндиликда 21 тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Машғу-

лотларда 505 нафар ўғил-қиз чет тиллар, математика, рақс, бичиш-тикиш, шахмат, каратэ, спорт гимнастикаси бўйича малакали педагог ва мураббийлардан сабоқ олаётир.

СУРАТДА: шахмат тўгарагида.
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Иллатларга қарши ҳамжиҳатликда

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Таълим муассасаларида диний экстремистик оқимлар, миссионерлик, оммавий маданият билан боғлиқ мафқуравий таҳдидларга қарши курашишда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотларининг ролини янада кучайтириш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳарча ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари-

даги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари ва талабалар тураржойлари кенгаши раислари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи Б.Эгамбердиев, Тошкент ислом университети катта

Ўқитувчиси С.Саиджалолов Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда талабалар тураржойларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда «Камолот» ЁИХ БТ етакчилари ва талабалар тураржойлари кенгаши раисларининг ўрни ва ролини оширишнинг долзарб масалалари юзасидан маърузалар қилди.

Тадбир давомида «Камолот» ЁИХ БТ етакчилари ва талабалар тураржойлари кенгаши раисларига аниқ вазифалар ва тегишли кўрсатмалар берилди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Ўрнатка муносиб оилалар



«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ва бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Энг намунали оила» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичида голибликни қўлга киритган оилалар таништирув, савол-жавоб ҳамда фарзандларни жисмонан соғлом ва маънан

баркамол қилиб тарбиялаш каби шартлар бўйича беллашди.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш

орқали жисмонан соғлом, маънан етук ҳамда ватанпарвар оилалар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳар биримизни эзгу амаллар билан яшашга ундайди.

Танловда энг намунали оилаларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мохинур МАХМУДОВА

Фаол, ташаббускор, интилувчан

 Sening tengdoshing

Тенгдошимиз Шоҳида Раҳматова эзгу ғоялари, амалий ишлари билан «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши фаолиятида, турли лойиҳаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган ёшлардандир.

— Ёшлик орзу-ҳаваслари туфайли киши турли касбларга қизиқар экан. Мактабни тугатгач, Бухоро туризм касб-хунар коллежига ўқишга кирдим. Ўқиб юрган кезларимда кўнглимга ёшлар, тенгдошларим, ука-сингилларим билан ишлаш ҳаваси тушди. Чунки тенгдошларим билан фикрлашиш, ажойиб лойиҳа ва ғояларни тенгқурлар билан ўртоқлашиш мароқли эди мен учун, — дейди Шоҳида. — Шундай кунларнинг бирида сардорлар кенгашидаги дугонамнинг таклифи билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги «Ёшлар маркази»га бордим...

Ёшлар орасидаги фаолиятини етакчиликдан бошлаган тенгдошимиз тез фурсатда

атрофдагиларнинг эътибори ва ишончини қозонди. Бир муддат ўтиб, саъй-ҳаракатлари инobatга олинган Шоҳида «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгашининг фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудури этиб тайинланди.

— Бугун бир пайтлардаги орзуларимга эришдим, — давом этади Ш.Раҳматова. — Туманлардаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар номзодини турли танловларга тавсия этиш, янги истеъдод соҳибларини излаб топиш — бу ишларнинг бари менда фаолиятимдан қониқиш, мамнунлик ҳиссини уйғотади. Шундай бўлса-да, бундан ҳам кўпроқ ишлашим зарурлигини, ҳали биз билмайдиган кўплаб иқтидорли

ёшлар борлиги ва уларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш муҳимлигини дилдан туяман.

Шоҳида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ўтказилган «Ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа йўллар орқали юқувчи касалликларнинг олдини олиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган ўқув тренингларни муваффақиятли тамомлади. Айни пайтда Бухоро вилоятида тенгдошлари ўртасида «Ёшлар ўртасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа йўллар орқали юқувчи касалликларнинг олдини олиш» мавзуида «тенгдош тенгдошга» усулида ўқув-семинарлар, минисессиялар ташкил этипти.

— Шоҳида Раҳматова фаол, жамоатчи, вазифасига масъулият билан ёндашадиган ёшларимиздан, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши раиси Жамол Носи-




ров. — Ундаги тингловчиларнинг эътиборини жалб этиш маҳорати, нотиклик, эпчиллик, фидойилик каби хислатларни бутун жамоамиз қадрлайди. Вилоятимизда ўтказилган ёшлар фестивалида Шоҳида «Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси» номинацияси ғолиби бўлгани ҳам бежиз эмас.

Тенгдошимиз билан суҳбатлашиш асносида унинг иродаси, жонқуярлигига

қойил қолдик. Шоҳида барча фаол, ташаббускор ёшлар сингари ҳамма ишга улғуришга, вақтдан унумли фойдаланишга интилади. Унинг бир кунлик ишини кузатарканман, Шоҳида сингари тиришқоқ тенгдошларимиз тимсолида Ҳаракатнинг ёшларни бирлаштиришдаги кучини кўргандек бўламан.

Ситора ШАМСИДДИНОВА,
Бухоро вилояти

 Ta'lim taraqqiyoti

 Jarayon

Тиллар жилоси



Бундан бир неча йиллар муқаддам француз адабиёти намояналаридан бири Оноре де Балзакнинг «Горио ота» асарини катта қизиқиш билан ўқиган эдим. У менда ёмон таассурот қолдирмаган. Аммо яқинда унинг француз тилидаги варианты билан танишиб чикдим-у, шундай хулосага келдим: бадиий асарни оригинал тилда, яъни асар яратилган тилда ўқиш барибир бошқача бўлар экан. Таржима билан аслият мазмунан бир хил, бироқ романи француз тилида ўқиганимда, унда жуда кўп маънолар жилосини кўрдим.

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тако-

миллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»-ги қарори мамлакатини

таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишга қаратилган бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди, шу билан бирга, умуман, жамиятда хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни оширди, бирор бир чет тилини ўрганишга бел боғланларга рағбат бўлди.

Қарор ижроси таълим тизимида рақобатбардош, замонавий кадрлар тайёрлаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Барча олий

таълим муассасаларида, жумладан, Урганч давлат университетидан ҳам профессор ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижий тилларни жаҳон стандартларига мос равишда ўрганишига асосий эътибор қаратилган.

Жорий йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида чет тили ўқитувчиларидан иборат тренерлар тайёрлаш курси очилиб, курс 16 сентябрдан 5 октябргача фаолият олиб борди. Олий таълим муассасаларида ўтказилган аттестацияда энг юқори балл тўплаган чет тили ўқитувчиларидан тренерлар тайёрлаш курсининг мақсади этиб белгиланганди. Бу ерда юқори малакали тренерлар инглиз, француз, немис тилларида дарс олиб боришди.

Ўзим ҳам француз тили йўналишида малакамни оширдим. Бу тилдан Сайёра Умарова, профессор Абдумурод Маматов сингари етук мутахассислардан сабоқ олдик.

Бозоргул ГУЛИМЕТОВА,
Урганч давлат университети ўқитувчиси

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан «Тошкент шаҳри аҳолисига автотранспорт хизматларини кўрсатаётган транспорт воситаларини янгилаш борасида олиб борилаётган ишлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Узоғимиз яқин бўлади

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи вазифасини бажарувчи Шоолим Шоваҳобов сўзга чиқиб, пойтахтимизда аҳолига автотранспорт хизматларини кўрсатишда қилинаётган ишлар, янгилинишлар, эришилган натижалар ҳақида гапирди. Келгусидаги режаларга тўхталди. Унинг маълум қилишича, агентлик томонидан 2014-2015 йилларда олти юзта «Isuzu» русумли автобус сотиб олинishi режалаштирилмоқда.

Анжуманда таъкидланишича, бугун пойтахт кўчаларида 1693 та автобус, 425 та микроавтобус, 384 та такси, 98 та трамвай йўловчилар хизматида.

Агентлик вакиллари аҳолига қулай, хавфсиз ва сифатли автотранспорт хизматини ташкил этиш бўйича янги лойиҳани тақдим этишди. Бу йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

Анжуман давомида жамоат транспортларида юзага келаётган айрим муаммоли ҳолатлар юзасидан ҳам сўз юритилди. Хусусан, айрим чипта сотувчиларнинг кўпол муносабатлари хусусида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Агентлик вакиллари бундай салбий ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўрилишини маълум қилди.

Нигора РЎЗИБОЕВА

Тошкентда халқаро саноат кўргазмалари

«ЎзэкспоМарказ»да «Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial Week — 2013» халқаро саноат кўргазмалари иш бошлади

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Фавкуллодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзмахсус-импекс» давлат корхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси кўмагида ташкил этилди.

Анжуманнинг очилишида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда саноатнинг кўплаб тармоқлари, жумладан, тоғ-кон саноати, металлургия, машинасозлик, кўриқлаш, ёнғиндан ҳимоя, хавфсизлик каби соҳаларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилади таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Хитой, Германия, Франция, Янги Зеландия, Сингапур, Украина, Польша, Латвия, Беларусь, Эрон каби йигирмага яқин мамлакатдан етмишга яқин фирма ва компания ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини таклиф этмоқда.

Мамлакатимизда тоғ-кон саноатини янада ривожлантириш, янги табиий конларни ўзлаштириш ва мавжуд минерал-хомашё захираларини қазиб олиш ва қайта ишлашда замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилна фойдаланиш, экспортга йўналтирилган ва импорт



Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳага илғор технологиялар кенг жалб этилмоқда.

«Тоғ-кон иши — Mining World Uzbekistan — 2013» кўргазмаси замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш борасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш ҳамда кон қазииш саноатидаги янги техника ва технологиялар билан танишиш учун қулай имкониятдир. Унда дунёнинг йирик фирма ва компанияларидан кўплаб вакиллар кончилик технологиялари, юк ортиш ва ташиш машиналари, бурғулаш техникаси, вентиляция қувурлари, компрессорлар, насослар, махсус машиналар ҳамда ўз хизматлари билан қатнашмоқда.

— Компаниямиз бу кўргазмада илк бор иштирок этмоқда, — дейди Сингапурнинг «OSG Asia» компанияси менежери Раман Пандиян. — Компаниямиз аэрофазовий, ма-

шинасозлик ва муҳандислик соҳаларида фойдаланиладиган кесувчи асбобларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун қулай шароит яратилган. Мазкур кўргазмада ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш ва шартномалар имзолаш ниятидамиз.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон машинасозлик саноати ривожланган саноқли давлатлар сафидан жой олди. Мамлакатимизда машинасозлик ва металлургия саноатлари тизимини такомиллаштириш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга изчил жорий этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилади.

«Металлургия ва машинасозлик — Machinery Central Asia — 2013» кўргазмаси иштирокчилари сафи ҳам кенг. Унда саноат корхоналарини модернизациялашда фойда-

ланиладиган технологиялар, махсус ускуна ва қурилмалар, йўл-қурилиш технологиялари, қувурлар, металл кесувчи асбоблар, юк кўтариш техникаси каби кўплаб маҳсулотлар намоиш этилмоқда.

— Ўзбекистонда ўтказиладиган кўргазмаларда мунтазам қатнашамиз, — дейди Беларуснинг «СтанкоГомель» очик акциядорлик жамиятининг ташқи ишлар департаменти директори Алексей Ковалев. — Компаниямиз турли хилдаги станоклар, вертикал ва горизонтал ишлов берадиган қурилмалар ишлаб чиқаради. Кўргазмада иштирокчиларга музокаралар ўтказиш, битим ва шартномалар тузиш учун барча қулайликлар яратилгани бизга маъқул бўлди.

Ички магистралларни қуриш, уларни халқаро транспорт тармоқларига улаш масалалари хавфсизликни ишончли таъминлашни тақозо этади. «Кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғиндан ҳимоя — CIPS 2013» халқаро кўргазма-

сида Ўзбекистон билан бирга кўплаб хорижий мамлакатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланган хавфсизлик ускуналари, нурланишни назорат қилувчи асбоб ва ускуналар, газниқоблар, ўт ўчириш автоцистерналари ва машиналари намоиш этилмоқда.

— Компаниямиз телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларга симсиз тармоқлар ускуналари, коммутаторлар, маршрутизаторлар, оптик қурилмалар, терминаллар, кенг поласали мобиль технологиялари, мультимедиа видеокузатув тизимлари, телекоммуникация тизимларини электр билан таъминлаш мосламалари, серверлар ва маълумотларни сақлаш тизимлари каби маҳсулот ва хизматларни таклиф этмоқда, — дейди «Huawei Tech Investment Tashkent» масъулияти чекланган жамияти катта менежери Фаррух Носирхўжаев. — Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин ва фаол иш юритиши учун яратилган қулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар муваффақиятларимиз омили бўлмоқда.

Марказий Осиё саноат ҳафталиги доирасидаги кўргазмалар мамлакатимизга хориж сармоясини кенг жалб этиш ва саноатнинг етакчи тармоқлари, хусусан, кончилик, металлургия, хавфсизлик, машинасозлик каби соҳаларни янада ривожлантиришга, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга, соҳага оид талаб ва таклифларни ўрганиш ҳамда товар айирбошлашни кенгайтиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



Қизларга орасталлик ярашади

«Ораста қизлар» республика фестивалининг Жиззах шаҳар босқичи бўлиб ўтди

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда шаҳардаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўғараги аъзолари иштирок этди.

Танловда ўқувчи-қизлар томонидан бугунги ёшлар ҳаётидаги долзарб мавзулар таҳлил этилиб, муаммолар ечими бўйича таклифлар билдирилиши, бир сўз билан айтганда, жамиятдаги муаммолар ёшлар нигоҳи билан таҳлил этилиши мақсад қилинган.

Фестивалнинг очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокими ўринбо-

сари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шахло Ахророва мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, қизлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоялар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилади таъкидлади.

Бу жараёнда вилоятдаги таълим муассасаларида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарақлари қизларни ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизлар ўртасида оила муқаддаслиги ва ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— «Ораста қизлар» республика фестивалининг Жиззах шаҳар босқичида 120 нафардан ортиқ ўқувчи-қизлар қатнашди. Фолибларни аниқлашда тўғарақлар фаолияти, қизларнинг сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, тиббий-экологик соҳалар-

даги билимига асосий эътибор қаратилди, — дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Назира Мухторова.

Танлов натижаларига кўра, Жиззах транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди. Сайилжойи академик лицейи жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей жамоасига насиб этди.

Дилшод ЭРГАШЕВ,
Жиззах вилояти

Маънавий хуружларга қарши янги тарғибот усуллари

Kun mavzusi

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган «Оммавий маданият» — маънавиятимиз кушандаси» мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида соғлом турмуш тарзига салбий таъсир этувчи иллатлар ва уларга қарши курашиш йўллари ҳақида сўз юритилди.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган «Ёшлар «оммавий маданият»га қарши» номли лойиҳаси асосида ўтказилган ушбу конференцияда глобаллашув жараёнида мавжуд бўлган маъна-

вий хуружларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий таклиф, тавсия ва хулосалар тайёрланди.

Конференцияда Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Қурононов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилот-

лар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қаҳрамон Қуронбоев мавзуга оид маъруза ва фикр-мулоҳазалари билан иштирок этди.

— Мазкур илмий-амалий анжуман «Ёшлар «оммавий маданият»га қарши» грант лойиҳасининг хулосаси сифатида ташкил этилди, — деди тадбирда лойиҳа раҳбари, Республика Миллий

ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходими Отабек Бозоров. — 2012 йил ноябрь ойидан шу кунга қадар Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида, таълим тизимининг барча босқичларида «оммавий маданият»нинг олдини олишга қаратилган йигирмадан ортиқ давра суҳбати, йигирма бешта семинар-тренинг ва ўн битта ижтимоий акция ўтказилди. Лойиҳа асосида пойтахтдаги интернет-клуб ва компьютер ўйинлари клубларида рейдлар ташкил этилиб, натижалар бўйича тегишли хулосалар тайёрланди. Мингдан ортиқ ёшлар ўртасида «оммавий маданият» тушунчасига оид ижтимоий сўровлар ўтказилиб, таҳлил қилинди.

Тадбир якунида маънавий таҳдидлар, хусусан, оломон маданиятининг олдини олиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва унда давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлигини янада кучайтиришга, бунда маънавий хуружларга қарши тарғиботнинг замонавий, самарали усулларида кенг фойдаланишга қарор қилинди.

Конференциянинг иккинчи ярми маънавий таҳдидлар ва «оммавий маданият»нинг келиб чиқиш тарихи ҳамда кўринишлари, «оммавий маданият»нинг олдини олишдаги долзарб вазифалар, маънавий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усуллари каби шўъбаларда маъруза ва муҳокама-лар давом этди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмалари ҳамкорлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ахборот-ташкилий фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига бағишланди

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди масъул ходимлари, мазкур Жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ва вилоятидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, Жамоат фонди томонидан эълон қилинган Давлат грантлари ғолиблари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Семинар-тренингни ўтказишдан мақсад фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида иштирокчиларни хабардор қилиш, жамоатчилик ташкилотларини самарали бошқариш, ижтимоий шериклик ва жамоат назорати масалалари бўйича ННТ раҳбарлари ҳамда фаолларининг касбий малакаларини оширишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этдилар.

Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар ННТларнинг молиялаштирилган ва амалга ошираётган ижтимоий аҳамиятли грант лойиҳаларининг сони 239 тани ташкил қилиб, йил якунига қадар уларнинг сони 250 га етиши кутилмоқда. Мазкур лойиҳалар 3,5 миллиард сўмдан зиёд миқдорда молиялаштирилмоқда.

Натижада давлат ижтимоий дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, уларни самарали амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллиги ортиб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилаётган Давлат грантлари ижтимоий шерикликнинг самарали механизмларини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, демократлаштириш ва ОАВ ҳамда ННТлар салоҳиятини оширишга қаратилаётир.

Семинарда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳудудлардаги фаолият самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги иштироки самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

«Туркистон-пресс»



Бировнинг нарсаси

Ёз келаверса, таътилга чиқадиган опам билан акамлардан кўра мен кўпроқ севиладим. Ўзи-ку менга йил-ўн икки ой «таътил» эди — ҳали мактабга бормасдим-да. Лекин «уч ой каникул» бошланса, билардимки, онам ҳаммамизни аммамларникига олиб боради. У ер биз учун ёзги оромгоҳнинг ўзи: сердарахт, серсув, қир ва сойлари кўп. Энг муҳими, аммамлар бизни жуда яхши кўради, эркалатади.

— У ерда яна бебошлик қилмайсанми? — дея онам мендан оғзаки «тилхат» олади ҳар доимгидек. Мен ҳам ҳар доимгидек, «яхши бола бўлишга, бебошлик қилмасликка, Умар (аммамнинг невараси) билан уришмасликка» сўз бераман. Ишқилиб, у ёққа «путёвка» ни нақд қилсам, бас...

Аммам бечора ўзига сиғмай кетади. Айланиб-ўргилади. Ҳар биримизнинг пешонамиздан ўпади. Бу кундалик ардоққа айланади. Ҳафта-ўн кун мириқиб дам оламиз. Онам бизни олиб кетишга келади.

— Бу нима қилиқ? — дейди онам Умарнинг яшил коптогини кийимларимнинг орасига тикқанча, халтага солаётганимга кўзи тушиб. — Сенга келишингда нима девдим?..

— Олавер, ойнажонимга (айланайжонимга) Умар жиянидан совға-да бу, — дейди ва менга қараб кўзларини қисганча жилмайиб қўяди аммам. У кишини янаям кўпроқ яхши кўриб кетаман-да, бориб бўйнидан кучоқлаб олам.

— Аммажоним!..

Онам ортиқ амма-жиянларга қарши борол-

майди. Шундай қилиб, Умарнинг уйда йўқлигидан фойдаланиб (у қўйларини даштга ҳайдаб кетган эди), коптогини ўзимники қилиб олам.

Уйимизга келгач, онамга мақтанаман:

— Эна, бу тўп энди меники-я?

Саволим онамга ёқмайди, қовоғини уяди. Кечкурун отанг келсин, кўрасан, дейди. Отанг келгунча ўйнаб қолайлик, деб ака-укалар тўп билан стадионга жўнаймиз.

Катталар мазза қилиб тўп тепади. Менинг атиги оёғимга тегса қани.

Бир пайт «футболчи»лар «ваҳ» деб юборишди. Кимдир хохолаб кулган, кимдир сўкинган, кимдир алам билан тикилиб қолган. Акам бор кучи билан тепганидан сўнг тўп «стадион» ёнидан зинғиллаб ўтаётган «грузовой»нинг орқасига илиниб қолган, у билан бирга узоқлашиб борарди.

— Тўпим, менинг тўпим! — деб машинанинг орқасидан чопаман. Беш яшар боланинг чопгани қаердаю, «Газ-53»нинг тезлиги қаерда? Ортидан куюқ чангини қолдирганча, машина кўздан ғойиб бўлади.

Ўша куни кечкурун отам мени уришмади. Тиззасига ўтиргизиб эркалатди. Акамларга, опамларга нималарнидир гапириб берди. Насиҳат қилди. Менга ҳам яхши сўзлар айтди. Очиғи, ўшанда кўп-да тушунмаганим учунми, суҳбат мазмунини эсломайман. Фақат бир ибора хотирамда муҳрланиб қолган. Отам гаплари орасида «биронинг ҳақи», «биронинг нарсаси» деган сўзларни бот-бот ишлатган эди.

Мен бу сўзларнинг залворини орадан анча йиллар ўтиб, Умарбек билан янада қалинлашиб кетганимизда ҳис қилдим...

Ўлмасбек МАҲМАРАЙИМОВ

Ёш тадбиркорлар учун кредитлар

Imkoniyat

Ҳозирги кунда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш долзарб вазифага айланган.



Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бекобод филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида олий ўқув юртларида таҳсил олаётганлар учун 16 миллион 100 минг сўм таълим кредити, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 80 миллион сўм ипотека ва 20 миллион 815 минг сўм истеъмол кредитлари ажратилди.

«Ёш тадбиркор — юртга мададкор» шиори бугунги кунда ҳаётий мазмун касб этмоқда. Бу борада «Миллий банк»нинг Бекобод филиали томонидан сезиларли ишлар амалга оширилди. Яъни тақдим этилган бизнес лойиҳалар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчилари тадбиркорлик

фаолиятини амалга оширишлари учун 168 миллион сўм, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида эса 165 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Бунинг натижасида ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши билан ўттизга яқин ишчи ўринлари ташкил этилди.

Аслини олганда, ёшларнинг, айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёш мутахассисларнинг банкларга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган беш нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ўз бизнес лойиҳалари би-

лан банкка мурожаат қилди ва имтиёзли кредит эгасига айланди. Худди шунингдек, аёл тадбиркорларнинг олти нафари ҳам имтиёзли кредит соҳиби бўлди ва улар бугунги кунда ўз фаолиятларини муваффақиятли давом эттиришяпти.

— Ёш тадбиркорларнинг «Миллий банк»ка бўлган ишончи тобора ортиб бораётганлигидан мамнунмиз, — дейди банк филиалининг кредит-иқтисод бўлими бошлиғи Ғуломжон Тоғаев. — Коллеж битирувчиларига кредитларнинг берилиши ёшларнинг келажак сари илк қадамларига мадад, энг муҳими эса, Президентимизнинг уларга билдираётган ишончининг ёрқин ифодасидир.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун улкан ишлар қилинаётир. Республикамиз тижорат банклари томонидан ушбу йилда коллеж битирувчиларининг ўз бизнес лойиҳаларини йўлга қўйишлари учун 53,5 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилиши режалаштирилган. Қолаверса, кредитларнинг юқори миқдори энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача этиб белгилаб қўйилгани ҳам эътиборлидир.

Умуман олганда, тадбиркорлик билан шуғулланман, деган ҳар бир навқирон йигит, қизга кенг йўллар очилган.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» муҳбири

Мақсад — жаҳон чемпионатида юқори ўринлар учун курашиш

Istiqlof farzandlari

Футбол бўйича Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги ўн етти ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида иштирок этишидан хабарингиз бўлса керак. Яқинда футболчиларимиз йилнинг асосий мусобақасига тайёргарлик доирасида Испанияда ташкиллаштирилган халқаро турнирда иштирок этиб қайтди.



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси у ерда Кот д-Ивуар, Мексика ва Аргентина ўсмирлар терма жамоаларига қарши учрашувларда майдонга тушди. Африкалик тенгдошлари билан ўйинда ҳисоб очилмаган бўлса, Жанубий Америка жа-

моасига футболчиларимиз 0:3 ҳисобида мағлуб бўлишди. Шунингдек, Шимолий Америка вакили саналмиш Мексика ўсмирлар жамоаси билан ўйинда 0:2 ҳисоби қайд этилди. Гарчи юртдошларимиз мазкур ўйинларда ғалаба қозона олмаган

бўлса-да, бу улар учун катта тажриба вазиғасини ўтади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати шу йилнинг 17 октябрдан 8 ноябрга қадар Бирлашган Араб Амирликлари майдонларида бўлиб ўтади. Терма жамоамиз жаҳон чемпионатининг «С» гуруҳидан жой олган бўлиб, Хорватия, Марокаш ва Панама ўсмирлар терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боради.

Айни пайтда терма жамоамиз пойтахтда йиғилиб машғулот ўтказмоқда. Бош мураббий Дилшод Нуралиевнинг маълум қилишича, жамоа қарийб бир ҳафта давомида шу ерда бўлади ва хатолар, камчиликлар устида ишлайди. Мақсад — жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Ўзбекистонлик футболчилар жаҳон чемпионатида Осиёнинг биринчи рақамли жамоаси сифатида ташриф буюради.

Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» муҳбири



Эътиборсизлик оқибати

Испаниянинг Кастилия минтақасида йиғим-терим вақтида ишчилардан бири беш тонна узум тагида қолиб вафот этди.

Воқеа содир бўлган Ламанч шаҳри мамлакатнинг энг кўп узум етиштириладиган қисми ҳисобланади. Бу ерда узумларни сақлаш учун махсус ҳандақлар қазилган. Узум учун мўлжалланган ҳандақларнинг ичи мрамланган бўлиб, уларни тез-тез тозалаб туриш талаб этилади. Марҳум ишчи чуқурни тозалаётганда машина унинг устига узумни тўкиб юборган. Ишчини кутқариш учун полицияга ўт ўчириш хизмати ходимлари, шифокорлар ва ишчилар ёрдам берди. Афсуски, буларнинг бари бефойда бўлди. Хавфсизлик қоидаларига риоя этмагани учун юк машинаси ҳайдовчиси ва бир неча масъул шахс жавобгарликка тортилди.

Антиқа рекорд

Австралиялик Жей Феникс «тарзанча сакраш»да ўз натижаси билан Гиннеснинг «Рекордлари китоби»дан ўрин эгаллади.

Жей йигирма бир соат давомида 150 марта сакради. Унинг томошаси Квинсленддаги қурилиш майдончасида бўлди. Жей ўз маҳоратини қирқ метр баландликда намойиш этиб, тонга яқин томошасини тугатди. У 2011 йилдаги Кевин Скотт Хантлиннинг салкам саккиз соатда 105 марта сакраб ўрнатган рекордини янгилади.

Ким айбдор?

Швейцария почта хизмати шаҳарларга янги кўчиб келганларга табрикнома жўнатгани учун жавобгарликка тортилди.

Аниқроғи, табрикнома жўнатилганларнинг деярли барчаси бир неча йиллар муқаддам вафот этганди. Натижада марҳумларнинг қариндошлари бундан ғазабландилар ва почта хизматини судга бердилар. Почта ходимлари эса буни компьютернинг янги дастури хатоси эканлигини айтиб, узр сўрашди. Ҳатто бу воқеадан сўнг табрикнома жўнатиш ҳам тўхтатилди. Ҳозирча Швейцария почта хизмати қанча мактуб тарқатганини ошкор этмаяпти.

Яхши лойиҳа

Буюк Британиянинг «HealthExpress» клиникаси чекишга қарши курашнинг антиқа усулини жорий қилди.

Клиника ходимлари кашандаларнинг келажакдаги кўринишлари ниқобини чиқардилар. Ниқобда жуда кўрқинчли ва абгор аҳволдаги одам тасвирланганди. Ниқобларни бир неча кўнгилчилар тақиб, кўчаларда одамларни кўрқитишди. Сўнгра чекаётганлар қўлига чекишнинг салбий оқибатлари ҳақида эслатмалар берилди. Ниқобларда тишлари тўкилиб, кўзлари чақчайиб қолган ўттиз ёшли аёл ва қирқ ёшлар атрофидаги эркак тасвирланган эди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги юз бераётган ўлим ҳодисаларининг 86 фоизи чекиш билан боғлиқ бўлгани сабабли бу лойиҳа анча ёрдам беришини таъкидлади.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади

ХОФИЗ

Дўстлар, сизга айтсам, мен бир шўх бола,
Ўзим машишоқ, ўзим ҳофиз бўлганман.
Қуёшни қиздириб ой шўғласида
Сўнг доира қилиб чалганман.

Мени ром этса-да, қушлар хониши,
Рухимга ёт эди тамою қониқиши.
Юксакларни кўзлаб яшар эр киши,
Ҳаётни мен шундай билганман.

Доирам садоси аршгача етган,
Ёмғир жарангидек оламни тутган,
Қўлимдан сирғалиб думалаб кетган...
Ичим куйиб, доғда қолганман.

Не бир ҳофизлар бор донғи қанотли,
Баридан номдори — бу Шамол отли,
Дарёча навою ёмғир баётли,
Улардан кўп сабоқ олганман.

Ёмғир куйлайверар, куйлайверар қор:
«Ватан дийдоридек йўқ азиз дийдор».
Ҳатто губорнинг ҳам қўнар жойи бор,
Мен юрт меҳрин куйга солганман!

Ғофил тушунмагай ошиқ тилига,
Мен кўнгил берганман гуллар гулига.
Юз жоним юз попуқ юз кокилига,
Юз жоним юз дорға илганман.



Мен юрт меҳрин куйга солганман

Билинги, ўшадир ҳофизнинг зўри —
Қалбида сўнмаса муҳаббат кўри.
Ошиқлар уйидир жаннатнинг тўри,
Мен ишқни куйлашга келганман!

Саъдулла ҲАКИМ

1 savolga 1 javob

Яқинда хорижга саёхатга бормоқчи эдик. Олдиндан авиачипта буюртма қилиш ниятидамиз. Олдиндан буюртма учун қанча ҳақ олинади? Неча кун олдиндан буюртма бериш мумкин? Эштитимсиз, авиачипталар АҚШ доллари ва еврога сотилар экан. Авиачипталарни миллий валютаимиз — сўмга сотиб олса ҳам бўладими?

Ботир, Тошкент шахри

Саволга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг технология бўлими бошлиғи Лариса Захарченко жавоб беради:

— Компаниямиз томонидан фуқароларимизга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинган. Масалан, хоҳишларига қараб, фуқаролар бир ой ёки ундан ҳам олдин самолётга чипта буюртма қилишлари мумкин. Жумладан, авиачипта буюртма қилинганда ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Мабодо авиачипта сотиб олиниб, кейин қайтарилса ёки муддати ўзгартирилса, маълум ҳақ ундирилади. Бунда имкони борича бориш ва қайтишга чипта олинса, баҳоси арзонроқ бўлиб, йўловчилар анчагина маблағ тежаб қолишлари мумкин.

Тўловлар пластик карточка ва пул ўтказиш йўли ёхуд нақд пул тўлаш йўли билан ҳам амалга оширилади. Бунда авиачипта нархи Марказий банкнинг чипта сотилаётган кунда евронинг сўмга нисбатан қиймати баҳосида ҳисобланади.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА
тайёрлади



Kuz tarovatı

↙	Табобат «ота»си	↘	Дурадгор асбоби	↗		↖	Синган, қасод бўлган	↘		↗		↖	
↗			«... Юнайтед» (футбол клуби)		Яқун, адо		Коннери (актёр)	↗	Михаэл... (футболчи)		Автобус русуми		Қуш уясида... қилар
	Ирода қисқача	↗					Нота	↘				↖	Сарсон-сарғардон
↗			Ўрнак, мисол		Эвара (синоним)	↗	Дастлабки		Зиддият, нифоқ	↘	Учинчи ҳоқимият		Паловбой идиш
	Қўйнини... ёнгоққа тўлади	↗				↘	Километр (аббр.)	↗	Кичик китобча, брошюра				
↗			Нишолда кўпиги	↗	Халқаро ташкилот			↘	Саҳар, азон	↗	Олис сайёра		
	Одам, киши	↗					«Чинор... дуэль» (б/ф)	↘		↗			
↗	Куй, мусиқа, наво		Пўст, чарм, кўн	↗	Уэйн... (футболчи)				... синоат		Жағ, чақак	↗	Михаил... (футболчи)
↘							Европадаги миллат	↗			Оға...	↗	

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Sport
Спортчиларимиз муваффақияти

Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилган велотрек бўйича Осиё кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари биринчи босқичдаёқ биттадан олтин, қумуш ва бронза медалга эгалик қилди.

Ёшлар ўртасидаги жамоавий баҳсларда Юрий Шермаҳамедовга тенг келадиган топилмади. Яқка тартибдаги баҳсларда Алла Безуглова иккинчи ўринга муносиб кўрилган бўлса, Владимир Тўйчиев бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, юртимиз шарафини Вадим Шайхов, Роман Дронин, Темур Гимеров, Руслан Федоров, Дмитрий Лазавой, Александра Охват ва Ольга Дробишева ҳимоя қилмоқда. Кубок мусобақаларининг давоми Эронда 25 октябрдан 28 октябрга қадар бўлиб ўтади.

Яхши натижалар

Бағутда синхрон сакраш бўйича Данияда бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари Анна Каспарян ва Екатерина Хилко мусобақа совриндори бўлди.

Синхрон сакрашда спортчиларимиз 43,8 балл тўплашга муваффақ бўлиб, бронза медални қўлга киритди. Иккинчи ўринга япониялик Маю Отани, Мию Йосимура 45,3 балл билан муносиб кўрилган бўлса, олтин медални канадалик Розана Макленнан-Саманта Зендел жуфтлиги 47,9 балл билан қўлга киритди.

Жавоҳир КАРОМатов,
«Turkiston» муҳбири

YON DAFTAR CHANGIZGA

Қўп отган билан мерган бўлмас,
Қўп айтган билан чечан бўлмас.

Ўзбек халқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛЮТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда
№ 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Абулфаизов
Хайриддинмурод
Маҳмудович

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-1043.
Адади — 8113
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.50
ЎЗА якуни — 21.15

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6